Қўрилаётган суд ишига алоқадор муаммо мумкин мавзуси бўлиши мумкин. Унда иштирокчиларнинг фикри якуний баённомада қайд қилиниши керак. Ушбу усул ишнинг ҳақиқий ҳолатларини исботлашга бевосита алоқадор бўлмаса-да, суд чиқарадиган ҳал қилив қарорига таъсир қилиши мумкин.

Бу каби тадбирлар жамоатчиликнинг ўёки бу муаммога қизиқишини кўрсатибина қолмай, эришилган натижани моддий ташувчилирга қайд қилиш имконини ҳам беради. Шу муносабат билан баённомалар, стенограммалар, аудио-, видеоэзвулар ва бошқалар жамоатчилик орасида иш кўришнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Бунда олинган ахборот зарурат түғилганда тарафнинг позициясини асослаштириб қўшимча далил сифатида иш материалларига қўшилади.

Шу тариқа, ушбу дастакнинг қўлланилиши муайян мақсадларни амалга оширишда ёрдам беради. Унинг психологик самараси катта: барча ҳолларнинг 99%идан бундай материаллар ўқилишининг ўзидаёт қизиқиш ўйғотади – низоли масала бўйича иш тўғри тайёрланса ва содда тилда якун чиқарилса, суд позициясининг шаклланишига ёрдам беради.

СУДЬЯ ПОРТФЕЛИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ҳар бир хўжалик ишига индивидуал ёндашиб замонавий исботлаш усулларининг таъмийларидан бири ҳисобланади. Судья портфелининг таҳлили бунга энг ёрқин ва смарали мисол бўла олади. Ушбу усул биринчи инстанция суди босқичида қўлланилса, катта самара беради.

ХПК 61-моддасининг биринчи қисмидаги кўрсатилишича, хўжалик суди далилларни «ички ишончига қараб» баҳолайди. Ҳар қандай одамда бўлганидек, муайян тажриба ва иш стажига эга судъяда хукуқий мөъёларни кўллаш ва қандайдир далилларни баҳолашнинг ўёки бу масалаларига бир хил ёндашув шаклланади. Муайян иш ҳолатларни баҳолар экан, судья айнан уларга таяниши аниқ. Судъянинг ўёки бу хукуқ масаласига бўлган муносабати энг аввало у чиқарадиган суд хужжатларида акс этади. Уларнинг таҳлили кўрилаётган масалага қандай муносабатда эканлигини, агар амалиётда унга дуч келган бўлса, аниқлаш имконини беради. Шу сабабдан ҳам судъя қачондир сизнига ўхшаш низоларни кўриб чиқдан-чиқмаганлигини аниқлаш жуда фойдалидир. Шунга ўхшаш ва исталган бошқа вазиятларда натижалар қандай бўлганда шакллантириш жуда мухимдир. Тайёр бўлган режа билан танишиб чиқиши учун уни албатта ташкилот раҳбарига тақдим этиш ва тасдиқлатиб олиш зарур. Келгусида бу ҳам раҳбарнинг, ҳам компания юристининг ишини анча енгиллаштириши мумкин. Раҳбарда, биринчидан, ҳақиқий вазиятни билган ҳолда ўзининг бошқарув хатарларини баҳолаш, иккинчидан, режада кўрсатилганларни ҳақиқатдаги воқеалар ривожи билан солиштириш орқали юрист малакаси ва меҳнат самарадорлигини баҳолаш имконияти вужудга келади. Юрист эса режанинг келишилганлиги ва тасдиқланганлигидан келиб чиқиб иш тутади.

Шу ишни амалга оширишингиз камидаги иккита ҳолоса чиқаришнингизга ёрдам беради. Биринчиси – судья сизнинг позициянинг таъфдори эмас ёки у хукуқнинг муайян мөъёларни бошқача тушуниади ва кўллайди. Шунда биринчи инстанция суди босқичида тарафлар тақдим этган далилларни яна бир бор баҳолаш ва янги далиллар тақдим этишнинг зарурлигини тушунишга имкон бўлади. Иккинчиси – анъанага кўра судья тутадиган позиция ва сиз билдирган позиция бир-бирига мувофиқ келади.

ҲАҚИҚИЙ ҲОЛАТЛАР БҮЙИЧА КЕЛИШУВ

Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари бўйича келишув гоятда катта салоҳиятга эга бўлса ҳам, бугунги кунга қадар кам мурожаат этиладиган процессыал унсурдир. Бундай келишувлар устидаги иш судгача босқичдаёт бошланади, бу ҳол иштирокчилар орасида жиҳдий келишмовчиликлар келтириб чиқармайдиган далилларни исботлашга сарфланади. Ушбу ишни амалга ошириш тартиби эътиroz билдиришга ўхшайди, бироқ фарқли томонлари ҳам мавжуд бўлиб, тарафлар судга мурожаат қилганда ўттача 1 тадан 3 тагача мухим далилларни исботлаш керак бўладиган вазиятга тўқнаш келиш имконини беради.

Агар оппонентлар судда биргаликдаги ишни енгиллаштириш мақсадида конструктив ҳамкорлик қилишдан бош тортсалар, бир тараф низони судгача даъво тартибида ҳол қилиш усулларини кўллаши, музокаралар олиб бориши билан судъяда ўзининг мажбуриятларини ҳалол баҳарадиган тараф сифатида

да таассурот қолдиради. Бироқ ушбу вазиятда расман эътиroz билдиришнинг ўзи етарли бўлмайди. Бундай тасаввур ўйғотиш учун низони судгача тартибда ҳол қилишга бўлган интилишингиз барча мавжуд усуллар билан кўрсатишингиз ва судъяда оппонентингиз ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши, низони тинч йўл билан ҳол қилишга қодир эмаслиги учунга судга мурожаат қилишингизга мажбур бўлгандек кўринишингиз керак. Бу усулни кўпроқ даъвогарлар, бальзан эса жавобгарлар ҳам кўлладилар.

Таъқидлаш керакки, ушбу усулни нафакат тайёргарлик босқичида, балки суд иши юритилишида ҳам кўллашингиз лозим. Мисол учун, тинч йўл билан келишувга эришиш, ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги келишувнинг имзолаш ҳақидаги суд тақлифини бажонидил қабул қилишингиз керак. Ушбу усулни кўллашдан мақсад ҳам низони судгача босқичида ҳол қилиш, ҳам низони тинч йўл билан судгача ҳол қилишга бор кучингизни сафарбар қилувчи тараф имиджини, шунингдек бошқа тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши туфайлигина низо тинч йўл билан ҳол бўлмаётганлиги ҳақида фикр ўйғотишдан иборат.

СУД ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ - МУВАФАҚИYАТ ГАРОВИ

Ишда иштирок этиш режасини хўжалик жараёни илк ривожланаётган босқичида тузиш керак. Уни тузишдан мақсад қандайдир ҳақиқий позицияни та

ЎЗБЕКИСТОН ЮНЧУЧИЛАДАГИ МАМЛЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ КИЛАДИ:

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорны түлдириш юзасидан құшимча чора-тадбирлар түғрисида»;
 - «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги құшимча чора-тадбирлар түғрисида»;
 - «Үй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бүйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир құшимча чора-тадбирлар түғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ:

- «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Вазир-лар Маҳкамасининг «Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъ-молчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида» 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори)».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНинг ҚАРОРИ:

- «Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш тўғриси-да»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни лойихасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига киритиш хақида».

• ИДОРАВИЙ-МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ҮзР МББ, ДСҚнинг «Солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун Банк депозиторлари Миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори;
 - ҮзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ бош директорининг «Қимматли қофозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуки учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи;
 - ҮзР МВ, ДСҚнинг «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиги ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш-дар киритиш ҳақида»ги қарори.

• МЕЬЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ
24 ЯНВАРДАН 30 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ИЧКИ БОЗОРНИ ТҮЛДИРИШ ЮЗАСИДАН ҚҰШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮГРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 5-сон, 34-модда)

Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму-кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор хўжалик бирлашмалари, Кораг`алпог`истон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш бўйича ишлаб чиқилган ҳамда қуидагиларни ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар маъқуллансин:

2009 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари энг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

республика вилоятлари бўйича 2009 йилда янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари ва узум экиладиган майдонлар ҳамда уларни етиштиришнинг про-гноз ҳажмлари 2-иловага* мувофиқ;

2009 йилда республика вилоятлари бўйича гўшт ва сут етиштиришнинг прогноз ҳажмлари З-иловага* мувофиқ;

республика вилоятларида 2009 – 2011 йилларда гүшт-
сүт маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологи-
ялар ва ихчам ускуналардан фойдаланадиган янги корхо-

налар, шунингдек хом сут тайёрлаш бўйича сервис пунктларини барпо этиш дастури 4 ва 4а-иловаларга* мувофиқ;

2009 йилда ноанъанавий мойли экинлар экиладиган майдонлар ва уларни ишлаб чиқариш, ана шу экинлардан ўсимлик ёғи тайёрлашнинг ҳисоблаб чиқилган ҳажмлари 5-иловага* мувофик;

республикада томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этишнинг прогноз параметрлари 6-иловага* мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2009 йилнинг 15 февраляга қадар муддатда 2009 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етишишнинг прогноз ҳажмлари асосида улардан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар бир қишлоқ туманида мавжуд иссиқхоналарга қўшимча равишда ёқилгининг муқобил манбаларидан фойдаланадиган енгил конструкцияли 5 тадан иссиқхона барпо этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг мева-сабзавот ва картошкани тайёрлаш, саклаш ва улгуржи сотиш бўйича ҳудудий ихтисослаштирилган «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компанияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, қайта ишлаш корхоналари, агрофирмалар, фермер хўжаликлари, озиқ-овқат (дехён) бозорлари, тижорат банклари, транспорт ташкилотлари ҳамда бозор инфратузилмасининг бошқа корхоналари

***1-6-иловалар берилмайды.**

мазкур компанияларнинг муассислари бўлишлари мумкин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини саноат кўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият факат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади;

гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхоналарга ўз маҳсулотини автофургонларда аҳолига нақд пулга сотиш хукуқи берилади, бунда нақд маблағлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни инкассация қилиниши шарт.

6. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзгўштуссаноат» уюшмаси билан биргалиқда бир ой муддатда тайёр гўшт-сут маҳсулотлари сифати устидан комплекс назорат ўрнатиш тизимини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича белгиланган тартибда қўйида-гиларга кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг камида 20 фоизи миқдорида (марказлаштирилган ресурслар ва халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми бундан мустасно) маҳсус кредит линиялари очиш тавсия қилинсин:

маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда зарур бўлган технология ускуналари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш ҳамда томчилатиб сугориш тизимларини харид қилиш учун;

фермер хўжаликлири, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига – иссиқхоналар барпо қилиш ҳамда томчилатиб сугориш тизимини татбиқ этиш учун.

8. 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда қўидагича солиқ ва божхона имтиёзлари берилсин:

ихтисослаштирилган «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компанияларини ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилиш,

бўшайдиган маблағларни мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлаш ҳамда сақлаш обьектларининг айланма маблағларини тўлдиришга ва техникавий қайта жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтириш;

асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хом-ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш;

гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви иғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш;

2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури бўйича берилган имтиёзларни томчилатиб сугориш тизимини жорий қилиш учун машина, механизм ва ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этиш.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Боз вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 26 январь
ПҚ-1047-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

МАҲАЛЛИЙ НООЗИҚ-ОВҚАТ ИСТЕММОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙТИРИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎФРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2009 йил, 5-сон, 37-модда)

Рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан манфаатдор хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимларини билан биргалиқда ишлаб чиқилган 2009 — 2011 йилларда 1-иловага* мувофиқ мақсадли параметрларга эришишни назарда тутган ҳолда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар маъкуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси, «Ўзбекчармпойабзали» ва «Ўззэлтехсаноат» уюшмалари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпогистон Республикаси

Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини иштирокида:

икки ой муддатда 2009 — 2011 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, жумладан янги моддий-техника базасини барпо этиш ва мавжуд базани модернизациялаш юзасидан бинолар ва ер участкалари ажратиш, барча зарур хужжатлар кадастр бўйича расмийлаштирилиши, қурйлиш ва капитал реконструкция қилишга рухсатномалар бериш каби ва бошқа ишларни таъминласин.

3. 2012 йил 1 январгача бўлган даврда 2-иловага** мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга қўйидаги кўринишда солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилсин:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиги ва мулк солиги, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқа-

*1-илова берилмайди.

**2-илова рус тилида берилади.

ришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) озод этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган рўйхатига киритилмаган ноозик-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга узайтириш.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган солик ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари 2-илювага мувофиқ товар гурухлари бўйича ҳудди шу товарлар ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг камидаги 60 фоизини ташкил этадиган ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга татбиқ этилади.

4. Белгилаб қўйилсанки, ушбу қарорда назарда тутилган солик ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материалларни ҳарид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан кредитларни тўлашга йўналтирилади.

Берилган имтиёзлардан бўшайдиган маблағлар мақсадга номувофиқ фойдаланилган тақдирда, ушбу маблағлар қонун хужжатларида назарда тутилган жарима санкцияларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бир ой муддатда мазкур қарорда назарда тутилган солик ва божхона имтиёзларини кўллаш, уларнинг берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонига мувофиқ тузилган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини кўллаб-кувватлаш, уларнинг барқарор ишлишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишининг мониторинги ҳамда назорати бўйича Ишчи гурухига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ижобий хulosаси бўлган тақдирда, ички истеъмол бозорида таркиб топган конъюнктурани ҳисобга

олган ҳолда ушбу қарорнинг 2-иловасига киритилган ноозик-овқат истеъмол товарларининг товар гурухлари рўйхатига ўзгартишлар киритиш хуқуки берилсин.

Ишчи гурухи (Р.С.Азимов) 1-иловада, энг аввало, 2-иловада тасдиқланган ноозик-овқат товарларига истиқболда бўладиган талаб-эҳтиёжларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратсин, ушбу товарларга истеъмолчилар томонидан барқарор кафолатланган буюртмалар бўлган тақдирдагина ишлаб чиқаришни ташкил этишини назарда тутсин.

6. Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг:

ишлаб чиқарувчи корхоналарга — технологик ускуналар ҳарид қилиш, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун;

улгуржи савдо корхоналарига — маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ноозик-овқат истеъмол товарларини ҳарид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка бўйича белгиланган тартибда кредит бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг камидаги 20 фоизи миқдорида (марказлаштирилган манбалар ва ҳалқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредит ҳажмларидан ташқари) маҳсус кредит линиялари очиш тавсия этилсин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда ҳалқаро талабларга мувофиқ стандартларни ишлаб чиқишида, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини тезкор жорий этишда кўмаклашсин, шунингдек ушбу корхоналарнинг стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалаларига масъул ходимлари ўқитилишини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь
ПК-1050-сон.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 2
к постановлению Президента
Республики Узбекистан
от 28 января 2009 года № ПП-1050

ПЕРЕЧЕНЬ
**ТОВАРНЫХ ГРУПП НЕПРОДОВОЛЬСТВЕННЫХ ПОТРЕБИТЕЛЬСКИХ
ТОВАРОВ, ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ КОТОРЫХ ПРЕДОСТАВЛЯЮТСЯ
НАЛОГОВЫЕ И ТАМОЖЕННЫЕ ЛЬГОТЫ**

- | | |
|--|--|
| 1. Готовые хлопчатобумажные ткани (кроме ситцевых и сатиновых) | 8. Текстильная галантерея |
| 2. Готовые смесевые ткани | 9. Металлогалантерея |
| 3. Готовые шелковые ткани (кроме атласных) | 10. Пластмассовая галантерея |
| 4. Обувь и материалы для ее производства | 11. Кожаная галантерея |
| 5. Готовые швейные изделия | 12. Парфюмерно-косметические товары, товары санитарии и личной гигиены |
| 6. Головные уборы (кроме национальных головных уборов) | 13. Металлическая посуда и кухонные приборы |
| 7. Чулочно-носочные изделия | 14. Электроосветительные приборы |
| | 15. Мебельная фурнитура |

**УЙ-ЖОЙ ФОНДИННИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁР ҲОЛДА ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИДА
РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ БҮЙИЧА ПУДРАТ ИШЛАРИНИ
КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТҮГРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 5-сон, 38-модда)

Мамлакатимиз шаҳарлари ва аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, архитектуравий режалаштирган ҳолда куришни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобига уй-жой фондининг ҳолатини қатъян яхшилаш, уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва куриш бўйича пудрат ишларини янада кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар ва туманларда уй-жой фонди объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида режалаштириш, безаш, куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ишларни амалга оширувчи ихтисослаштирилган таъмирлаш-курилиш ташкилотларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Куйидагилар янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-куриш ташкилотларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳоли, юридик шахслар ва ягона буюртмачи хизматлари билан шартнома асосида, фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жойларни қайта режалаштириш, безаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва куриш, шу жумладан келгусида янги мулкдорларга, биринчи наебатда ёш оиласарга бериш ва кимошди савдоларига кўйиш учун эскирган ва эгасиз уй-жойларни тиклаш бўйича ишларнинг бутун комплексини амалга ошириш;

уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукаммал ва жорий таъмирлашни, шу жумладан томларни таъмирлаш, уйлар ичидаги мұҳандислик коммуникацияларини алмаштириш ва кўп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини мукаммал таъмирлаш ишларини сифатли бажариш;

юқори даражада эскирган кўп қаватли уй-жойларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашда унинг хавфсизлигини, курилиш қиймати арzonлаштирилишини ва куриш циклининг давом этиш муддатини қисқартиришни таъминлайдиган янги илгор технологияларни замонавий режалаштириш ечимларидан, курилиш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланган ҳолда қўллаш;

дача ичидаги эскирган уй-жой мұҳандислик тармоқларини алмаштириш ва турар жойларга қайта куриш, шу жумладан турар жой фондининг уйлари олдидаги худудда ландшафт лойиха ечимларидан фойдаланган ҳолда обondonлаштириш ишларини амалга ошириш;

аҳолини, биринчи навбатда ёшларни курилиш мутахассисларини бўйича янги иш ўринлари ташкил этиш асосида турар жой шароитларини яхшилаш ва уй хўжалигини юритиш жараёнларига фаол жалб этиш;

2. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

ҳар бир шаҳар ва қишлоқ туманида хусусий мулк шаклидаги юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган таъмирлаш-курилиш ташкилотларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини;

мавжуд фойдаланилмаётган турар жой бинолари, шу жумладан фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш базаси инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан ихтисослаштирилган таъмирлаш-курилиш ташкилотлари-

га белгиланган тартибда текинга ёки имтиёзли асосда узоқ муддатли ижарага берилишини таъминласинлар;

зарур инвентарь, курилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари билан таъминлашда, шунингдек курилиш касбларини эгаллаган ва ишга жойлашишга мухтож бўлган малакали ишчилар ва мұҳандис-техник кадрлар билан таъминлашда ёрдам берсинлар.

3. Янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-курилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача:

солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган курилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йигимлари бундан мустасно) озод қилинсин.

4. Тижорат банкларига курилиш техникаси, кичик механизациялаш воситалари, маҳсус транспорт ва инвентарь сотиб олиш учун бошланғич капитални шакллантириш мақсадида ихтисослаштирилган таъмирлаш-курилиш ташкилотларига имтиёзли кредит ресурслари (Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан) ажратиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси уй-жой фондини реконструкция қилиш, куриш ва таъмирлаш учун, ихтисослаштирилган таъмирлаш-курилиш ташкилотларига биржа котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар асосида етказиб бериш учун зарур ҳажмда цемент, металл прокати, асбоцемент плиталар (шифер) ва бошқа курилиш материаллари ажратишни назарда тутсинглар.

6. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ой муддатда уй-жой фондини, уларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эскириб кетган уй-жойларни, кўп квартирали уйлардаги бўш турган хоналарни, шу жумладан ётоқхоналар ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш мақсадида ялпи хатловдан ўтказсинглар ҳамда улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ, уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига беришни назарда тутган ҳолда зарур қарорлар қабул қилсинглар;

хатлов якунлари бўйича бир ой муддатда эскириб кетган, авария ҳолатидаги ва бўш турган уй-жойларни, шунингдек бўш турган ётоқхоналар ва қурилиши тугалланмаган объектларни, молиялаштиришнинг аниқ манбалаарини белгилаган ҳолда, яшаш учун санитария нормаларига ва фойдаланиш қоидаларига жавоб берадиган замонавий уй-жойларга (хонадонларга) қайта режалаштиришни ҳисобга олиб, Уй-жой фондини капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш дастурини ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинг.

7. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2009 йил 1 июлгача республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида аҳолининг эҳтиёжига ва уй-жой фонди объектлари бўйича таъмирлаш-курилиш ҳажмларига қараб курилиш материалларининг жорий биржа котировкаларидан ошмайдиган нархлар бўйича аҳолига курилиш ва пардозлаш материалларини сотиш юзасидан ана шу маҳсулотларни

ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ихтисослаштирилган фирма дўконлари ташкил этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган зарур ўзгартиш ва қўшимчалар кириксин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 29 январь
ПҚ-1051-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮГРИСИДА (ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИННИНГ «ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯЛАР СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН
МАЖБУРИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН ИСТЕМОЛЧИЛАРГА
ТОВАРЛАРНИ СОТИШ, ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ТҮГРИСИДА» 2008 ЙИЛ 24 ДЕКАБРДАГИ 277-СОН ҚАРОРИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 6-сон, 53-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш түгрисида» 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар кириксин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг биринчи ўринbosari Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 4 февраль
33-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 4 февралдаги 33-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТТАН
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларида:

а) 1.1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«1.1. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш билан боғлик муносабатларни тартибга солади»;

б) 3.4-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«3.4. Қўйидагилар газ етказиб беришда устунликка эга бўладилар:

— аҳоли;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар;

— газ учун ҳақ тўлаш бўйича қарзи бўлмаган ҳамда жорий (шартномавий) тўловлар бўйича олдиндан ҳақ тўлаш шартлари билан шартнома тузган истеъмолчилар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энер-

гиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш түгрисида» 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 1-сон, 4-модда):

а) 1-илованинг (Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари) 3-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсан:

«Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга электр энергияси сотища шартномада ушбу истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашнинг энг кам даражаси ҳам назарда тутилиши керак»;

б) 2-илованинг (Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари) 3-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсан:

«Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга иссиқлик энергияси сотища шартномада ушбу истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминлашнинг энг кам даражаси ҳам назарда тутилиши керак»;

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИННИГ
ҚАРОРИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИ 208-МОДДАСИ 35-БАНДИННИГ
ЎЗБЕКЧА МАТНИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТҮГРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 6-сон, 54-модда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринbosari Б.Мирбобоев, судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди түгрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Конунининг 10-моддасига амал қилган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуну лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Конунчилик палатасига киритиш ҳақидаги ишни очиқ мажлисда кўриб чиқди.

Масала «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 19-моддасига мувофиқ «Elxolding» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Кузатувчи кенгашининг раиси Д.Шукоровнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд мазкур масала юзасидан маърузачи судья С.Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринbosари М.Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари Э.Гадоев, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқармасининг бошлиғи И.Голишева, «Солиқ маслаҳатчилари палатаси» жамоат бирлашмаси бошқаруви аъзоси И.Индинанинг фикрлари ни тинглаб, иш бўйича мавжуд хужжатларни ўрганиб аниклади:

«Elxolding» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Кузатувчи кенгашининг раиси Д.Шукоров Конституциявий судга йўллаган мурожаатида солиқ органлари томонидан солиқ қонун хужжатлари нормаларининг бир хилда талқин этилмаётгандиги натижасида солиқ солиш масалаларида юзага келаётган қийинчиликлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 35-бандига шарҳ беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-модда 35-бандининг рус тилидаги матнига асосан қўшилган қиймат солигидан «китоб маҳсулотлари, мактаб ўкув қуроллари ва кўргазмали қўлланмаларнинг, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи реализация қилиниши» обороти озод этилади.

Ушбу банднинг ўзбек тилидаги матнida рус тилидаги «оптовая реализация» сўзлари «улгуржи савдо» (оптовая торговля) деб белгиланган. Шундай қилиб, қўшилган қиймат солигидан ўзбек тилидаги матнiga асосан «улгуржи савдо» обороти озод этилса, рус тилидаги матнiga асосан эса «улгуржи реализация қилиш» обороти озод этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасида «реализация қилиш» ва «савдо фаолияти» тушунчаларига таъриф берилган. Унга мувофик:

реализация қилиш — сотиш, айирбошлаш, бегараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳукукини гаровга куювчи томонидан гаровга оловчига топшириш;

савдо фаолияти — қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият.

«Улгуржи реализация қилиш» тушунчаси «улгуржи савдо» тушунчасидан кенгрок бўлиб, ўз ичига улгуржи савдо, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш, айирбошлаш, бегараз бериш ва бошқаларни қамраб олади.

Мазкур қарорни қабул қилишда Конституциявий суд

куйидагиларга асосланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига мувофиқ фуқаролар қонун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурдирлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек ва рус тиллари матнларидаги мавжуд номувофиқлик унинг амалда қўлланилишида хатоликларга олиб келаётгандиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг юқорида кўрсатилган нормаларига риоя этилиши лозими. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш заруратини келтириб чиқаради, деб хисоблайди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнидаги «савдоси» сўзи «реализация қилиниши» сўзлари билан алмаштирилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 2008 йил 1 январгача амалда бўлган таҳририда ҳам айнан шу ҳолатни ўзида акс этган 71-модда 32-бандининг ўзбек тилидаги матнida «реализация қилиш» атамаси қўлланилган.

Баён қилинганларга асосланаб ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 10, 25, 26, 27-моддаларига, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 5, 26-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд **қарор қилди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек ва рус тилларидаги матнларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек тилидаги матнiga ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳаси қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига киритилсин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси С.Ҳакимова ушбу Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига кўриб чиқилаётганида иштирок этиш учун вакил этиб тайинлансин.

3. Ушбу қарор «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси» журналида чоп этилсин.

Тошкент ш.,
2009 йил 5 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг
2009 йил 5 февралдаги қарорига
ИЛОВА

ЛОЙИХА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КODEKSI 208-MODDASI
35-BANDINNING ЎЗБЕКЧА МАТНИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ
ТЎҒРИСИДА**
Конунчилик палатаси томонидан _____ да қабул қилинган
Сенат томонидан _____ да маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова) 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матни-

даги «савдоси» деган сўз «реализация қилиниши» деган сўзлар билан алмаштирилсун.

2-модда. Ушбу Конун расмий зълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,
ДАВЛАТ СОЛИК КЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**СОЛИК СОЛИШ МАҚСАДИДА СОЛИК ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
ҲИСОБИННИ ЮРИТИШ УЧУН БАНК ДЕПОЗИТОРЛАРИ МИЛЛИЙ АХБОРОТ БАЗАСИ
МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил

16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 614-2.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 3-сон, 17-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунининг 7 ва 51-моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ва «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Конунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси қарор қиладилар:

1. Солик солиш мақсадида солик тўловчиларни автоматлаштирилган ҳисобга олиш учун Банк депозиторлари Миллий ахборот базасининг ахборотидан фойдаланиш тартиби (1999 йил 30 январь, рўйхат рақами 614 — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон)

иоловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсун.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1999 йил 21 апрелдаги 124-В-сонли, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 1999 йил 22 апрелдаги 99-54-сонли «Белгиланган муддатлар давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширган мижозлар ҳисобвараклари тўғрисида электрон маълумотларни узатиш Тартиби» (1999 йил 1 май, рўйхат рақами 712) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

*2009 йил 26 январдан кучга киради.

Марказий банки раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.
106-В-2

Давлат солик
кўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2008-49

Тошкент ш., 2008 йил 16 декабрь.

ЎзР МБ бошқаруви ва ДСКнинг

2008 йил 16 декабрдаги 106-В-2, 2008-49-сон қарорига

ИЛОВА

**СОЛИК СОЛИШ МАҚСАДИДА СОЛИК ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ҲИСОБИННИ ЮРИТИШ
УЧУН БАНК ДЕПОЗИТОРЛАРИ МИЛЛИЙ АХБОРОТ БАЗАСИ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1.1-банд куйидаги таҳирда баён этилсун:

«1.1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизими ни келгусида ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 24-сон, 1999 йил 30 марта «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 146-сон, 1999 йил 3 июлдаги «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантиримаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида» 327-сон қарорларига мувофиқ солик тўловчиларнинг миллий ва хорижий валютадаги депозит ҳисобвараклари ҳолати тўғрисидаги электрон маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк депозиторлари миллий ахборот базасидан (бундан кейин — БДМАБ) Давлат солик кўмитаси (бундан кейин — ДСК) ва унинг бўлинмалрига узатиш тартибини белгилайди».

2. 2.3-банднинг иккинчи хатбоиси «қўшимча» сўзидан кейин «ёзма» сўзи билан тўлдирилсун.

3. 2.4-банд куйидаги таҳирда баён этилсун:

«2.4. Маълумотларнинг ишончлилигини, тўликлигини, сақланишини ва маҳфийлигини таъминлаш мақсадида БДМАБ маълумотлари шифрланган ҳолда тақдим қилинади.

Марказий банк ДСКга дешифрациялаш дастурини беради.

Берилаётган маълумотлар бузуб кўрсатилишининг олдини олиш ва уларни жўнатувчини идентификациялаш мақсадида маълумотлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Олинаётган маълумотларнинг маҳфийлиги ва сир сақланишини таъминлаш учун ДСК мазкур маълумотлардан фойдалана олиш ҳукуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилайди».

4. 2.5-банд куйидаги таҳирда баён этилсун:

«2.5. ДСК почта кутисига ташланадиган БДМАБ маълумотлари куйидаги тузилишга эга:
мижоз номи;
мижоз тури;
мижознинг уникал коди;
солик тўловчининг идентификация рақами;
вилоят коди;

банк коди;
 банк тури;
 20 белгилик ҳисобварак рақами;
 ҳисобваракдаги сўнгги ҳаракат санаси;
 ҳисобварак очилган сана;
 ҳисобварак ёпилган сана;
 ҳисобваракни ёпиш учун асос белгиси;
 актив операциялар ёки блокировка қилишни вақтинча тўхтатиш санаси;
 актив операциялар ёки блокировка қилишни вақтинча тўхтатиш ёки ҳисобварак ҳолати тўғрисидаги маълумотлар учун асос белгиси;
 вақтинча тўхтатилган актив операцияларни блокировкадан чиқариш ёки блокировка қилинган ҳисобваракларни ҳаракатга келтириш санаси;
 ҳисобваракни бошқа банкка ўтказиш санаси;
 ҳисобварак ўтказилган банк коди;
 мижознинг фаолиятни тўхтатиш санаси;
 ҳисобварак ҳолатини ўзгартириш учун асос вужудга келган сана.

Изоҳ.

Асос белгилари Ўзбекистон Республикаси Банк депозиторларининг миллий ахборот базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобвараклари рўйхатини юритиши тартиби тўғрисида низомнинг 1-иловасига мувофиқ бажарилади (рўйхат рақами 1863-сон, 2008 йил 27 сентябрь) («Ўзбекистон Республикаси қонун хужатлари тўплами», 2008 йил, 40-41-сон, 414-модда)».

5. 2-бўлим куйидаги таҳрирдаги 2.7-банд билан тўлдирилсин:

«2.7. Бир ой ичида жўнатилган ва олинган почта файлларини солишириш мақсадида АБМ ҳар ойнинг биринчи кунида ДСҚга бир ойда жўнатилган почта файллари рўйхати келтирилган электрон кўринишдаги маълумотномани тақдим этади. Маълумотномани тақдим этиш ва қабул қилиш жўнатувчи ва қабул қилувчининг электрон рақамли имзолари (ЭРИ) билан тасдиқланади. Электрон маълумотноманинг шакли 1-иловада келтирилган».

6. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ илова билан тўлдирилсин.

**Солиқ солиши мақсадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун Банк депозиторлари миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартибига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА**

**«Солиқ солиши мақсадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун Банк депозиторлари миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартибига
1-ИЛОВА**

**Ахборотлаштириш бош маркази томонидан Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилган
почта файллари рўйхати тўғрисидаги
МАЪЛУМОТНОМА**

Файлнинг номи	Файлнинг ҳажми	Яратилган вақт	Яратилган сана	Файлдаги сатрлар сони, жами	“INSERT” операциясига кўлланган файлдаги сатрлар сони	Давр бошидаги БДМАБ базаси қисмидаги БДМАБнинг ДСҚдаги нусхасига мувофиқ келувчи сатрлар сони	Давр охиридаги (маълумотнома шакллантирилган пайтда) БДМАБ базаси қисмидаги БДМАБнинг ДСҚдаги нусхасига мувофиқ келувчи сатрлар сони

Масъул шахс _____
(Ф.И.О.)

(вакти, санаси)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
КИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИКЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ
ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

**КИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲУҚУҚИ
УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ АТТЕСТАСИЯ (ҚАЙТА АТТЕСТАСИЯ) ҚИЛИШ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-2.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужатлари тўплами», 2009 йил, 4-сон, 31-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Конунига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-мод-

да) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 марта 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида-

*2009 йил 30 январдан кучга киради.

ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофик буюраман:

